

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими  
бюджетларининг газна ижроси қондаларига  
8-ИЛОВА

2022 й. «6» Январь "Тўракуртон нефт базаси" МЧЖ ва Ободонлаштириш бошқармаси  
ўртасида 247 800 000 сўм умумий суммага тузилган 25 -сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб 110

Шахсий газна ҳисобварак 100022860144017065100110001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	Кичик бўлим 100 Боб 110 Модда 4252500	...	...	
Январь	82600000			82600000
Февраль	82600000			82600000
Март	82600000			82600000
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	247 800 000			247 800 000

Жами 247 800 000 (Икки юз қирк етти миллион саккиз юзминг) сўм.  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммалардан \_\_\_\_\_ сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан \_\_\_\_\_ %\*\*\*  
2022 йил \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммалардан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасига ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолатларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Х. Қазакбаев  
Ф.И.О.

М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери



А. Джураев  
Ф.И.О.

Газначилик бўлинмасининг

ходими қабул қилди \_\_\_\_\_

20

Буюртмачи ходими

қабул қилди \_\_\_\_\_

20

й.

й. « \_\_\_\_\_ »

« \_\_\_\_\_ »

## Нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги

ШАРТНОМА № 25“6” январь 2022 йил.

Оқтош шаҳарчаси.

“Наманган шаҳар ободонлаштириш бошқармаси” қуйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Х.Казакбаев** шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Тўрақўрғон нефть базаси” масъулияти чекланган жамиятининг қуйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Ш.Файзиев** шахслигида, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефть маҳсулотларини “Истеъмолчи” талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қуйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади.

Нефть маҳсулотларининг тури	Йиллик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўм да)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чорақлар бўйича									
				I-чорақ		II-чорақ		III-чорақ		IV-чорақ			
				Тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	Тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма		
Дизельное топливо	21	11800000	247800000	21	247800000								
ЖАМИ:	21		247800000	21	247800000								

1.2. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **247 800 000 (икки юз қирқ етти миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранспортида, махсус автотранспортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қўйиладиган барча ёнғин ва техника

хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътирози йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автоцистерналарга маҳсулот қуйишга руҳсат берилмайди.

**2.2.** «Истеъмолчи» да нефть маҳсулотларини сақлаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун махсус автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранспортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Маҳсулот етказиб берувчи» нинг нефть омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Етказиб берувчи» нинг омборидан «Истеъмолчи» нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт хужжатлари расмийлаштирилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Истеъмолчи» нинг махсус автотранспорт воситасида нефть маҳсулотларини ташиш «Ҳавфли юкларни ташиш қоидалари» га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси «Етказиб берувчи» нефт омборига киритилмайди.

**2.3.** Нефть маҳсулотлари «Истеъмолчи» га «Етказиб берувчи» нинг махсус транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш «Истеъмолчи» нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот «Истеъмолчи» нинг омборида «Истеъмолчи» нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётига имзо қўйилган сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита «Истеъмолчи» вакилининг хошишига кўра «Етказиб берувчи» нинг нефть омборида амалга оширилиши мумкин.

**2.4.** Нефть маҳсулотлари «Етказиб берувчи» га тегишли бўлган ёнилғи тарқатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун «Истеъмолчи» нинг ишночмасига мувофиқ маҳсулотни ёқилғи тарқатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома «Истеъмолчи» нинг вакили томонидан ёнилғи тарқатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шахобча оператори ўз навбатида тарқатиш варақаси юритади. «Истеъмолчи» вакилига берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига киритиб борилади. Тарқатиш варақасида «Истеъмолчи» нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

**2.5.** Маҳсулот «Истеъмолчи» нинг манзилига транзит тартибда темир йўл траснпортида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги «Нефть, газ конденцати ва нефть маҳсулотларини

қабул қилиш, сақлаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

**2.6.** Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбариятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи» га ўтади.

**2.7.** Нефть база омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот махсус автотранспортида ташиладиган бўлса, транспорт ташкилоти зиммасига тушади.

**2.8.** Нефть маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи”нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефть база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

**2.9.** “Етказиб берувчи” нефть маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### **3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ.**

**3.1.** Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топширикнома асосида амалга оширилади.

**3.2.** “Истеъмолчи” олаётган нефть маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб–рақамига ҳақ тўлайди.

**3.3.** «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган Хафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи» нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклландиган нархларда сотади.

**3.4.** Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланади.

### **4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

**4.1.** Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши, қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

**4.2.** Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

**4.3.** Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи» ,«Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

## **5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ.**

**5.1.** «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

**5.2.** Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва кузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

**5.3.** Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

**6.1.** Шартноманинг бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

**6.2.** «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Хар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 сон Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

**6.3.** «Истеъмолчи» ва «Етказиб берувчи» нефть маҳсулотларини сақланишининг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

**6.4.** «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

**6.5.** Нефт махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб бермаган ҳолларда «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулот баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни нефт махсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик ёки хизматлар кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

**6.6.** «Истеъмолчи» шартнома асосида белгиланган муддатларда (даврд) етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

**6.7.** Ушбу шартномада, унинг шартларини бажарилмаслик ҳолатлари юзасидан жавобгарлик белгиланмаган бўлса, бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун** талаблари бўйича кўриб чиқилади.

**6.8.** Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжаларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкый наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

## **7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР.**

**7.1.** Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганлик учун жавобгарликка тортилмайдилар:

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнғин, zilзила ва бошқалар оқибатида юз берса;

- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқа қонунчилик билан ваколат берилган ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ҳамда тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

7.2. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## 8. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.

8.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда Наманган туманлараро Иқтисодий судида ҳал этилади.

8.3. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий Ғазначилик идораларидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва **2022 йил 31 декабргача амал қилади.**

8.4. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Таъминотчи»

«Тўрақўрғон нефть  
базаси» МЧЖ

Х/р: 22604000204267762705

МФО: 00432 ИНН:204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Октош ш. Бобур кўча 2-уй

тел: 444-12-11

«Истеъмолчи»

Наманган шаҳар

Ободонлаштириш бошқармаси”

ШХВ100022860144017065100110001

МФО 00014 ИНН 200048883

Марказий банк Тошкент бош

бошқ

Наманган шаҳар Оромгоҳ кўчаси

3 уй

Тел 234-27-69




Директори:

 Ш.Файзиев

Раҳбар:

 Х.Казакбаев





**Namangan shahar Obodonlashtirish boshqarmasi va "To'raqo'rgon Neftbaza" MChJ o'rtasida 247 800 000 (ikki yuz qirq yetti million sakkiz yuz ming) so'mlik shartnoma loyihasining qonunchilikka muvofiqligi yuzasidan**

**XULOSA № SW56273710**

2022 yil 05 yanvar

Namangan shahri.

Men Namangan shahar yuridik xizmatlar ko'rsatish markazi bosh yuriskonsul'ti Xakimov Iqboljom, Namangan shahar obodonlashtirish boshqarmasi va "To'raqo'rgon Neftbaza" MChJ o'rtasida tuzilayotgan shartnoma loyihasini amaldagi qonunchilik talablariga muvofiqligini o'rganib chiqib quyidagilarni,

**ANIQLADIM:**

Namangan shahar obodonlashtirish boshqarmasi va "To'raqo'rgon Neftbaza" MChJ o'rtasida 247 800 000 (ikki yuz qirq yetti million sakkiz yuz ming) so'mga tuzilayotgan shartnoma loyihasini rasmiylashtirish uchun asos bo'ladigan O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi "O'zbekiston Respublikasining «Davlat xaridlari to'g'risida»gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3953-sonli qarori talablariga va yuqoridagilarga asoslanib,

**XULOSA QILAMAN**

Taraflar o'rtasida tuzilayotgan shartnoma loyihasi qonunchilik doirasida amalga oshirilayotgan bo'lib, taraflar tegishli tartibda shartnomani rasmiylashtirishlari mumkinligini tavsiya etiladi.

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**I.Xakinov**

2022-yil 05 - yanvar